Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва юридик шахслар учун маиший **чиқиндилар(М.Ч.)ни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат кўрсатиш**

**ШАРТНОМАСИ № 8 МФЙ 16**

«05» 01 2022 йил

Фарғона шахри

Бундан буён матнда “Ижрочи” деб аталувчи корхона тўғрисидаги низом асосида фаолият олиб борувчи **“FERGHANA SPECIAL TRANS”** МЧЖ рахбари, Б. Дехқонов бир томондан ва бундан буён матнда “Буюртмачи”деб юритилувчи Фарғона вилояти ІХР ва МКБ номидан рахбар Т. Бойматов. иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида шартнома туздилар:

**1. Шартнома мазмуни**

1.1 “Буюртмачи” топширади, “Ижрочи” эса Доҳкол 2, манзилдан бир ойда 1 маротаба 15,76 дона (750л. 1100л.20м3) чиқинди сақлаш қутилардаги М.Ч.ни ташиб чиқиб кетиш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади, “Буюртмачи” эса тулов жадвали асосидат хизмат тўловларини тўлаб бориши шарт.

1.2 М.Ч.ларнинг умумий хажми бир ойга ________м3

**2. Хисоб-китоб қилиш тартиби**

2.1 Ушбу шартномани имзолаш пайтида амалдаги нарх хар бир м3 М.Ч. учун 40.000 сўм, ҚҚС (15%) билан 46.000 сўм.

2.2 Шартнома бўйича бир ойлик кўзда тутилган тўлов суммаси 725.000. минг сўмни ташкил этади, шундан, бюджет маблағлари хисобидан ________сўм, бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан 725000. сўм.

2.3 Хар ойнинг 10 санасигача кейинги ойнинг режавий иш хажмига (бюджет ташкилотларида шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб олдиндан 15 фоиз миқдорида тўловларни амалга ошириш.

2.4 Хар ойнинг _____ санасигача ўтган хисобот ой учун кўрсатилган хизмат тўловларини “Ижрочи”нинг хисоб рақамига бажарилган иш далолатномаси асосида тўлиқ тўлаб бериш.

**3. “Буюртмачи” мажбуриятлари**

3.1 Маиший чиқиндиларни йиғилиш хажми ва олиб чиқиб кетиш муддатига биноан керакли миқдорда чиқиндилар йиғиш қутиларини алохида шартномалар ва тўловлар асосида сотиб олиш.

3.2 МЧ ташланадиган қутиларни қурилиш ва йирик хажмдаги чиқиндилар, шох-шаббалар билан тўлдирмаслик, аксинча, уларни махсус жойга йиғиш хамда бу чиқиндиларни ташиб кетиш учун алохида бир маротабалик шартнома тузиш.

3.3 Чиқинди сақлаш қутилари жойлашган майдончалар ва чиқинди тўплаш қурилмаларига автомашиналарнинг эркин яқинлашишини ва чиқинди қутиларини доимо соз холда сақлашни таъминлаш.

3.4 МЧни ўз вақтида ташиб чиқиб кетилишини доимий назорат қилиш, тасдиқланган йўналиш жадвали бузилган холларда 99873-244-86-31 телефонига телефонограмма йўллаш орқали “Ижрочи”га маълумот бериш.

3.5 Бажарилган ишнинг хажмини “Ижрочи”нинг хужжатларида “Буюртмачи” вакилининг имзоси ва корхона мухри билан тасдиқлаб бориш.

3.6 Хар ойнинг бошида ўтган ойда бажарилган иш хажмини бажарилганини кўрсатувчи хисоб далолатномаси расмийлаштириш.

3.7 Буюртмачи маиший чиқиндиларни Марказий кўчаларининг белгиланган жойларига кеч соат 08⁰⁰ дан эрталабки 17⁰⁰ гача олиб чиқиш огоҳлантирилади.

**4.“Ижрочи”нинг мажбуриятлари**

4.1 Алохида шартнома ва тўловлар асосида “Ижрочи” “Буюртмачи”га чиқинди йиғиш қутиларни керак бўлган миқдорда сотиш.

4.2 “Буюртмачи” худудидан МЧ ташланадиган махсус қутилардан махсус автомашиналарда жадвал асосида чиқиндиларни олиб чиқиб кетилишини таъминлаш.

4.3 “Буюртмачи”нинг буюртмасига асосан [redacted]

4.5 Бириктирилган йўналишда санитар тозалик назоратини олиб бориш.

**5. Томонларнинг жавобгарликлари**

5.1 “Ижрочи” томонидан МЧ келишилган вақтда олинмаган тақдирда “Буюртмачи” 99873-244-86-31 телефон орқали “Ижрочи”нинг вакилини далолатнома тузиш учун чақиртириши керак.
Агар “Ижрочи” ушбу хабарномадан сўнг ўз вакилини далолатнома тузиш учун юбормаса, ёки 24 соат ичида МЧ олиб чиқиб кетилмаса, “Буюртмачи” жамоатчилик иштирокида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома айбдорга нисбатан шартномада кўрсатилган жазо турларини қўллаш учун асос хисоб хисобланади.

5.2 “Ижрочи” ўз вақтида МЧ олиб чиқиб кетмаганлиги учун икки томон вакиллари томонидан имзоланган далолатнома асосида хар збир кун учун олиб чиқиб кетилмаган МЧ хажми қийматидан 0.4 фоиз миқдорида, лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда “Буюртмачи”га пеня тўлайди.

5.3 “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0.4 фоиз миқдорда , лекин умумий сумма бажарилмаган иш суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда “Ижрочи”га пеня тўлайди.

5.4 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

**6. Низоларни хал қилиш тартиби**

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммоларни томонларнинг ўзаро музокаралари орқали хал қилиниши мумкин бўлмаган холларда хўжалик суди томонидан ёки хакамлик суди томонидан хал қилинади.

6.2 Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами ўзгарган тақдирда хамда МЧ хажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.

6.3 Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган МЧнинг хажми “Буюртмачи”нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи””Ижрочи”нинг юк ташиш хужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб хисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

**7. Форс-мажор**

7.1 Форс-мажор холати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, рахбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор холатига кирмайди).

**8. Қўшимча шартлар**

8.1 “Ижрочи” хом-ашё, ёқилғи – мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш хақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга хақлидир ва у “Буюртмачи”ни бу тўғрида ёзма равишда огохлантиради.

**9. Шартноманинг муддати**

9.1 Шартнома рўйхатга олинган кундан катъий назар, ушбу шартноманинг муддати “05” 01 2022 йилдан 31 декабр 2022 йилгача белгиланади.

9.2 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмокчи бўлган томон иккинчи томонни бу хақида бир ой олдин ёзма равишда огохлантиради, акс холда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган хисобланади.

9.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

**10. Тарафларнинг юридик манзилгохлари ва тўлов реквизитлари**

| “Буюртмачи” | “Ижрочи” |
|---|---|
| Фарғона вилояти К.Т.Р ва М.Х бошқармаси | “FERGHANA SPECIAL TRANS” МЧЖ |
| Манзил Фарғона шахри, Қ.Додхох кўчаси, 2 уй. | Додхох кучаси 2 уй |
| Банк ШХР 400121860104040983001000 | “Миллий банк” Фаргона булими |
| Х/р СТИР: 202549 ОКОНХ: 97400 | х/р 20208000900588539001 |
| ИНН Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги | ИНН 303805695 МФО 00493 |
| Рахбар х/р: 23402000300100001010 ХККМ МБ Тошкент шахар бош бошқармаси МФО 00014 СТИР 201122919 | ХККМ 90211 |
| Г. Бойматов | Рахбар Б. Дехқонов |
| юрист Н. Сурхонов | Тел: 99873 244-86-31 |